



ДЕПУТАТНИ КАЛТАКЛАГАНЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛАДИМИ? 2



«БИЗ ХОВЛИНИ СУПУРСАҚ, БЕМОРГА КИМ ҚАРАЙДИ?» 3



КЎЧА МАШМАШАСИ ЁХУД БОЗОРДАГИ ДИЛОЗОРЛИК 6



1941 ЙИЛДА ТОШКЕНТДА «МУТЛАҚО МАХФИЙ» ҚАЙДНОМАСИ ОСТИДА ҲАРБИЙ ГОСПИТАЛЬ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ 7



№ 20
2021-йил, 26-май
Chorshanba (32.662)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

O'zbekiston O'VOZI

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ЎзХДП позицияси

Камомад ва молиявий хатоликлар кўпайиши кузатилмоқда

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил ҳамда 2021 йил биринчи чорак ижроси яқунлари тўғрисидаги ҳукумат ҳисоботлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида танқидий ва таҳлилий муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, пандемия билан боғлиқ мутлақо қутилмаган ва мураккаб вазиятда, молиявий қийинчиликлар шароитида ҳукумат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Жамиятимизда, соҳа ва тармоқларда ижтимоий барқарорлик таъминланмоқда.

Ҳисобот даврида умумий харажатларнинг 50 фоиздан ортиғи ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун сарфлангани Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига тўлиқ мувофиқ келади.

Фракция аъзолари муҳокамалар жараёнида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг қанчалик самарали сарфлангани масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Биринчидан, Бюджет ижроси билан боғлиқ назорат тадбирлари давомида камомад ва молиявий хатоликлар йилдан-йилга кўпайиши кузатилмоқда.

Бу Давлат Бюджети ижроси бўйича амалдаги молиявий назорат тизими самарасиз ишлаётганини кўрсатмоқда. Давлат молиявий назорати тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмагани, ижро муддати кечиктирилгани фракциямиз томонидан бир неча марта кўтарилган эди. Таъсирчан қонун бўлмаса, молиявий назорат тизими замон талаблари даражасида ишлаши қийин, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, Ҳисоботларда давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ишлатилиши бўйича маълумотларнинг батафсил эмаслиги реал вазиятни муҳокама қилиш имкониятларини чекламоқда.

Мисол учун, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди харажатлари 213,5 млрд. сўмни ташкил этгани ҳақида маълумот берилган. Аммо мазкур маблағларнинг қанчаси ўзлаштирилганлиги, қандай натижаларга эришилгани тўлиқ очилмаган.

Фракциямиз мазкур йўналишда шаффофликни ошириш, кейинги ҳисоботларда кенгроқ ахборот берилиши муҳим, деб ҳисоблайди.

Чунки Давлат Бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ҳақидаги ахборот ва маълумотлар соҳа ҳамда тармоқлар даражасида очик бўлмаса, бюджет ижроси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш қийин бўлади.

Учинчидан, Бюджет ижроси ҳақидаги муҳокамаларда яққол сезилдики, вазирликлар ўртасида хабардорлик муҳити етишмайди, айрим маълумотларда номувофиқликлар келиб чиқди, бу камчиликлар Бюджет ижроси бўйича вазирликларнинг масъулиятини ошириш зарурати кучайганини кўрсатади.

Фракциямиз ҳисоботда қайд этилган бюджет ижросидаги камчиликларни келгусида бартараф этиш мақсадида, авваламбор, бюджет ижросига нисбатан танқидий ёндашувни кучайтириш, масъул вазирлик-идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарликни юклатиш, ҳукумат эса юзага келган салбий ҳолатларни чуқур таҳлилдан ўтказиши, очик ва таъсирчан чоралар кўриши зарур, деб ҳисоблайди.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси раҳбари.

Янги руқн: ЗИРАПЧА

«Тошкент беш ташаббус ҳаракати» фестивали доирасида бир қатор давлат ташкилотлари раҳбарлари ёшлар билан очик мулоқот ўтказишди. Учрашувлар давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ёшларнинг саволларига жавоб беришди.



Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
Нозим Қусанов:

«Ойликлар кам деганингизга. Биринчидан, катта корхонанинг харажатлари ҳам катта бўлади. Шунинг учун кўпгина давлатларда иш ўрнини давлат яратмаяпти. Давлат, аксинча, иш ўрнини яратиш учун имконият, шароит яратиб бериши керак. ШУ БОИС БИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАШТИРИШГА АСОСИЙ УРғУ БЕРИЛМОҚДА...

КОРХОНА ҚАНЧАЛИК КИЧКИНА БЎЛСА, УНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ, ТАННАРҚ ҲАМ ШУНЧА ПАСТ БЎЛАДИ ВА БУ ОРҚАЛИ ИШ ЎРИНЛАРИ, ОЙЛИКЛАР ҲАМ НИСБАТАН ЯХШИ БЎЛАДИ».

Абдували Сойибназаров,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

БИЗНИНГЧА: Аслида йирик корхоналар давлатнинг белини бақувват қилади, қаддини кўтарди, минглаб одамларни иш билан таъминлаб, барқарор маош олиш имкониятини яратади. Бироқ ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда.

Бунинг асосий сабаби улар катталарида эмас, балки бошқарувнинг нўноқ ва эскича усулда қолиб кетганидир.

Ҳурматли вазирнинг гапидан катта корхоналар катта ойлик бера олмайди, деган кулгули маъно ҳам тушунилмаслиги керак. Катта корхоналарнинг даромадлари ҳам катта ва кўп бўлади. Албатта, давлат тайинлаган бошлиқлар тўғри ишласа...

Охирги гап: ҳурматли вазирга қўра, давлат иш ўрни яратмас эмас, унда борларини сақлаб ҳам қололмасмикан?..



Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари
Алишер Саъдуллаев:

«БИЗ ЁШЛАР УЧУН КРЕДИТЛАР БЕРИШДА БИРИНЧИ НАВБАТДА ИМТИЁЗЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШНИ РЕЖАЛАШТИРЯМИЗ. ИМТИЁЗСИЗ КРЕДИТ БЎЛСА, ТАЛОН-ТАРОЖ КАМ БЎЛАДИ».

Аброр Қурбонов,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

БИЗНИНГЧА: Имтиёз қачон ўзини оқламайди, қачонки тўғри йўналтирилмаса, эгаси ундан фойдаланиш имконидан маҳрум бўлса. Бугун ижтимоий тармоқларда имтиёзли кредитлар ажратилишидаги ноҳолисликлар ҳақида аҳоли томонидан кўплаб фикрлар билдирилмоқда.

Имтиёзни бекор қилиб юбориш осон, лекин барчаси назорат остида амалга оширилса, бу кўплаб янги иш ўринлари дегани, аслида. Ахир имтиёзли кредитлар ёшлар эмас, унинг ажратилишига масъул бўлганлар томонидан талон-тарож қилинмаяптими?..

Дунё таърибаси ёш авлод учун сарфланган сарможа жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиришини исботлаган.

Бугун катта ҳаётга кириб келаётган ёшларга имтиёз бермасак, ёрдам қўлини чўзмасак, ёшлар келажагимиз, деб ҳайқаришдан не наф?

Савол туғилади: ҳурматли Саъдуллаев ёшларга хайрихоҳми ёки банкларнинг манфаатларини ҳимоя қиладими?

Ёшлар билан ишлаш Президентдан тортиб вазиргача, ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача – ҳамманинг энг асосий ишига айланиши зарурлиги айтилаётган бир пайтда бу каби баёнотлардан мақсад нима?..

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Ногиронлар, Кўзи ожизлар, Карлар жамиятлари ва Ногиронлар ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик бўйича келишувни имзолашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Мақсад жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайлови жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларни бирлаштирган ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Зайниддин Низомхўжаев мамлакатимизда барча фуқароларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий-ташқиллий асослари ва самарали механизмлари умумэтироф этилган халқаро норма ва

стандартлар асосида шакллантирилганини таъкидлади.

Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик жараёнида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг алоҳида эътиборига ҳамisha жиддий эътибор қаратиб келади. Қайд этилишича, жорий йилги Президент сайловларида 30 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган шахслар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, сайлов жараёнида сайлов участкаларига олиб борувчи кўрсаткичлар кўринарли жойга ўрнатилиши, участка сайлов комиссияси биносида сайлов кўни малакали тиббиёт ходимларининг наватчилиги ташкил этилиши таъминланади.

Сайлов комиссиялари таркибига ногиронлиги бўлган ижтимоий фаол шахсларни киритиш ва уларнинг сайлов қонунчилигидан хабардорлигини оширишда ҳар томонлама кўмаклашилади. Сайловолди ташвиқотига оид

телефурсатувлар имо-ишора тили ва субтитр ёзувида бериб борилади.

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раҳбари нафақат сайлов кўни, балки умуман сайлов жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди. Ўтган сайловларда баъзи аҳоли билан учрашувлар биноларнинг асосан иккинчи қаватида ўтказилгани ногиронлиги бор шахсларга бирмунча қийинчиликлар туғдиргани айтилди. Шу жиҳатдан бу йилги сайловларда ушбу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Нурилло НАСРИЕВ,
Ўза муҳбири.

ЮРАККА ЎТ СОЛАР «СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ»



«Сўнги қўнғироқ» ҳар биримизнинг ҳаётимизда ажиб хотира қолдиради. У қалбларни жунбушга келтиради. Ҳаяжонлантиради. Тўлқинлантиради. Ёшлантиради. Ёшартиради.

Давлат раҳбарининг юртимиз ҳаётидаги нуфузли саналардаги табриги биз учун одатий ҳол бўлиб, ундан ўз фаолиятимиз тараққиёти учун керакли вазифаларни белгилаб олар эдик. Президентимизнинг бу йилги мактаб битирувчиларига илк табриги ёшларимизга берилаётган алоҳида эътиборнинг яна бир амалии ва тарихий исботи бўлди.

5

МУРОЖААТНОМА

Хар бир маҳаллада, энг аввало, 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қонтомир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилади.

ДЕҲҚОНГА КЕЛГАНДА

ПУЛИМИЗ ЕТМАЙДИМИ?..



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси йиғилишида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилди.

ГАП НИМАДА?
«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасида «1965

йилдан кейинги давр учун жамоа ҳўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа ҳўжалиги аъзоси узрли сабабларга кўра жамоа ҳўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади», деб белгиланган.

Мисол учун, собиқ жамоа ҳўжалигида 1980 йилда эркаклар учун 220 кун, аёллар учун 160 кун меҳнат минимуми ўрнатилган. Уша йилларда қилшқ ҳўжалигида меъёр (норма)ларни бажаришга талаб қаттиклиги ҳисобга олинса, аксарият ишчи-ҳодимлар меҳнат минимумини бажаришган. Лекин йиллар ўтиб, улар пенсияга чиқиш пайтида собиқ жамоа ҳўжалигининг бу ҳақдаги қарорини тақдим эта олишмаган. Бунинг асосий сабаби меҳ-

нат минимуми тўғрисидаги қарорлар ўз вақтида архивга топширилмаган ёки йўқолган. Аммо бу ҳолатда меҳнат мажбуриятини бажарган, пенсия ёшига етган фуқароларимиз айбдор эмас. Улар тизимдаги камчилик туфайли йиллар давомида жабр кўрмоқда.

Айнан мазкур норма туфайли қилшқ ҳўжалигида меҳнат қилган фуқароларга ўша вақтларда бошқа соҳаларда ишлаган кишиларга 2-3 баробар кам пенсия ҳисобланмоқда ва бу ҳолат иқтимоий адолат тамойилларига мутлақо тўғри келмайдми.

УзХДП фракцияси шунинг учун «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасига «жамоа ҳўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқишда, ушбу йилдаги меҳнат билан қатнашиш кунлари сонидан қатъи назар, ҳар бир ишлаб берилган йил иш стажига бир календарь йил сифатида қабул қилинади» мазмунинидаги меъёр киритишни тақлиф қилди. Лекин масъул кўмита мутасадди ташкилотлар билан маслаҳатлашган шекилли, бу тақлифни қабул қилмабди.

Тақлиф буйича Молия вазирлигининг муносабати сўралганида, турли асосий важлар келирилди, хусусан, пенсия жағмагармининг молиявий имкониятлари камайгани кўрсатилди. Қишнинг қаҳратониди, ёзнинг жазирмасида оғир меҳнат қилиб, пенсия камлиги туфайли қариллик чоғида ҳам муаммоларга дуч келаётган минглаб отахон ва онахонларга келганда пул етмасмиш. Бу қандай муносабат? Маънавий етишмаслигидан нега пенсионерлар азият чекиши керак?.. Фракция аъзоларининг бу саволлари ҳозирча жавобсиз қоляпти.

Халқ демократик партияси фракцияси ўз тақлифини охиригача қатъий ҳимоя қилади.

Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати



«БИР ЗИЁЛИ – БИР МАҲАЛЛАГА МАЪНАВИЙ ҲОМИЙ»

шиори остида Самарқанд вилоятининг барча туманларида маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда

Юртимизда бўлаётган янгиланишлар, ислохотлар бугун ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалла узра акс садо бераёпти. Самарқанд давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ҳам маҳаллаларда бўлаётган ўзгаришларга, аҳолининг маънавий салоҳиятини ошириш, уларда эртанги кунга ишонч уйғотишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шу мақсадда кунча Нуробод туманида маҳалладаги маънавий муҳитни яхшилаш, миллий қадриятларимиз асосида ёшларга таълим-тарбия бериш, нурунийларимиз тажрибасини ўрганиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда СамДУ агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети профессор-ўқитувчилари, тумани ҳокимлиги масъул ходимлари, Маънавий ва маърифат маркази туман бўлими фаоллари, маҳалла раислари, мактабларнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари кўтарилган масалалар бўйича атрофлича фикр алмашишди.

Семинар тренингдан кўзлаган мақсад маҳалланинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, салоҳиятини кўтариш, маънавий ва иқтимоий муҳитни ўрганиш орқали маҳаллада ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларни белгилаб олишди, — дейди СамДУ агробиотехнологиялар факультети декани ўринбосари Шухрат Намозов. — Шунингдек, маҳалла зиёлилари билан ҳамкорликни кучайтириб, ишларни тўғри тақсимлашга келишиб олдик. Маҳаллага маънавий ҳомий бўлган зиёли ва обрўли, тажрибали инсонлардан иборат «Мураббийлар гуруҳи»-ни ташкил этдик. Уйлайманки, университетимиз билан ҳамкорлик қилаётган маҳаллаларда маънавий-маърифий муҳит янада яхшиланади, ёшлар таълим-тарбиясига эътибор ортади.

Туманидаги «Машъал» ва «Қиличчи» маҳаллалари ҳам Самарқанд давлат университети агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультетига бириктирилган бўлиб, улар

билан тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Нуробод тумани Халқ демократик партияси раиси Зайимзоқ Ҳусановнинг айтишича, «Машъал» маҳалласида истиқомат қилаётган 4 000 нафарга яқин аҳолининг 19 нафари «Ёшлар дафтари», 20 нафари «Аёллар дафтари», 15 нафари «Темир дафтар»га киритилган. Ўтган даврга нисбатан бу рақамлар анчага қисқарган. Партия ташкилоти ўз навбатида уларга иқтимоий кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширмоқда. Узгаришларда Самарқанд давлат университети олимларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

— Президентимизнинг «Маҳаллабай» ишларида Самарқанд тажрибасини яратиш тўғрисидаги тақлифи бизни тўлқинлантириб юборди, — дейди СамДУ агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети ўқитувчиси Акбар Аҳмедов. — Ҳар бир маҳаллада маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, савияли тадбирлар ташкил этиш, ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллашига эътибор қаратиш, мактаб – маҳалла – ота-она тамойилни йўлга қўйишда университет ўқитувчи-мураббийларининг алоҳида ҳиссаси ва фаол иштироки бўлиши керак.

Ўтган давр ичида маҳалла ёшлари билан бир қатор лойиҳаларда ҳамкорлик қилдик. Давлат томонидан ер ажратилган ёшлар билан биргаликда ернинг тузилишига қараб бир-галикда экинлар эдик. Энди ҳосил парваришларини ҳам ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Уйлайманки, бу ишларимиз билан ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

Маълумот учун: Самарқанд вилоятининг барча туманларидан, Самарқанд шаҳридан 10 маҳалла Самарқанд давлат университети олимлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Отабек САЪДУЛЛАЕВ,
Самарқанд давлат университети
Ахборот хизмати ходими.



«Болаларга беринг дунёни»

Мамлакатимизда эртаимиз эгаларига кўрсатилаётган гамхўрлик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Конвенцияси иштирокчиси сифатида унинг барча банди ва унда кўзда тутилган талабларга оғишмай амал қилиб келмоқда.

«Инсоният ўзида мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини болаларга беришга мажбур». Бола ҳуқуқлари декларациясида қайд этилган ушбу жумлалар ёш авлодни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш кундалик вазифамизга айланиши зарурлигини яна бир қарра ёдга солади. Зеро, ҳар бир инсон учун бундан-да муҳимроқ ва масъулиятлироқ иш бўлмаса керак. Шу босис, дунё миқёсида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини сифатида кенг нишонланади. Бу кун болаларга алоҳида эътибор ва гамхўрлик қилинади. Айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ёки ота-оналарсиз уялган ёшларга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдига қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ёшлар билан алоҳида ишлар олиб бормоқда. Шунингдек, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан 2020 йил 1 июнь кунига қадар партиянинг Қашқадарё вилоят ташкилотлари фаоллари ҳамда партиядан сайланган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари томонидан карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда «Болаларга беринг дунёни» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган. Тадбирларда кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларда ўй шариотида тарбияланаётган ногиронлиги бор болалар ҳам асосий эътиборга олинади.

Музаффар Туропов,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят
Кенгаши раиси ўринбосари.



ДЕПУТАТНИ КАЛТАКЛАГАНЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛАДИМИ?

Авал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 14 апрель кунини Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Кенгашига Халқ демократик партиядан депутат Уктам Жабборов бир гуруҳ шахслар томонидан калтакланган.

Ҳолат юзасидан Бойсун туман ички ишлар бўлими томонидан жиноят иши очилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Суриштирув ишлари бошланганига ҳам бир ярим ойдан ошган бўлса-да, ҳамон муайян бир хулосага келинмагани, тергов ҳаракатлари чўзиб юборилгани жабрланувчи, унинг ақинларининг норозилигига, партиядошларининг хавотирига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигидан мазкур

жиноят иши терговини назоратта олишни, айбдорларга нисбатан қонуний чора кўрилишини яна бир марта сўрайди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунга кўра, ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароит қаролатиланади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилиниши, депутатнинг шаъни ва қадр-қимматига таъвоуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий ёки ўзга тарзда жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши

ЎзХДП: АМАЛИЙ ЛОЙИҲАЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР

уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаол инсонларга айланишига кўмак беради

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши Бухоро туманида «Муҳтожларга муруватли бўлайлик» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказди. Унда партия ташкилоти масъул ходимлари, депутатлар, маҳалла фаоллари ҳамда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, ногиронлиги бор, иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбирда Бандликка кўмаклашиш туман маркази, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, қилшқ ҳўжалиги бўлими, маҳаллий ҳокимлик, «Микрокредитбанк», «Агробанк» туман бўлими, туман савдо-сановат палатаси каби ҳамкор ташкилотлар ҳам қатнашди. Лойиҳа доирасида ишчи гуруҳ маҳаллаларга ташриф буюриб, «Аёллар дафтари»га киритилган, ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизлар билан учрашди. Кўтарилган ҳар бир муаммо чўқур таҳлил қилинди, ечим буйича аниқ чоралар кўрилиб, мутасадди ташкилотларга юборилди. Ижроси назоратга олинди.

Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, 14 нафар аёлга ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди. Ишсиз, касб-хунарсиз, камбағал оилалардаги аёллардан касб-хунар марказлари, «Ишга марҳамат» мономарказлари орқали 41 нафари, хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг ўқув курсларида 66 нафар ўқишга, касб-хунар ўрганишга жалб этилди.

Курсия ШАРИПОВА,
Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши
Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш сектори
мудир.



ТОМОРҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Халқ депутатлари Қува туман Кенгаши УзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан ўтказилган ўрганиш якуни тўғрисидаги масала Кенгашнинг доимий комиссияси йиғилишида кўриб чиқилди.

Таъкидлангани, депутатлик гуруҳи аъзоси А.Иминчаев томонидан Президент қарорининг тумандаги ижроси юзасидан ўрганишлар олиб борилди. Ўтказилган мониторинг натижасида туманда жами 65 та маҳалла фуқаролар йиғини, 45989 та хонадон, 65461 та оила мавжудлиги, аҳоли сони 261306 нафарни ташкил этиши маълум бўлган. Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ободонлаштириш, томорқадан самарали фойдаланиш штаблари ташкил этилган. Томорқалардан самарали фойдаланиш: 1282,3 гектар эртани экин экин режалаштирилган бўлиб, жорий йил 2 май ҳолатига 1250,5 гектарга экин экилган.

Шунинг билан бирга, тумандаги 589 нафар кам таъминланган, 423 нафар ногиронлиги бўлган, 8 нафар яққа ёлғиз, 457 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг томорқа ер майдонларига экин экишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жами 2766 тул мевали

ва манзарали дарахтлар экиб берилган. Бундан ташқари, «Темир дафтар»га киритилган 3 нафар фуқарога томорқага экин экишга кўмаклашиб, эҳтиёжлари ўрганилган ҳолда уруғлик кўчатлар арзонлаштирилган ҳолда етказиб берилган.

Ҳисобот юзасидан партия гуруҳининг муносабати билдирилди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинларида жойлашган ярим кўп қаватли турар жойларнинг олд ва орқа қисмлар тартибсиз ва қаровсиз ташлаб қўйилган жойларини ширкат ҳисобига ўтказиб, улардан самарали фойдаланиш, олинган даромаднинг ободонлаштириш ва бошқа ишларга сарфлаш тақлифи илгари сурилди.

Мазкур масала юзасидан халқ депутатлари Қува туман Кенгашининг доимий комиссияси қарори қабул қилинди.

Шунингдек, УзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш бўйича тасвир этилди.

Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати

МУРОЖААТНОМА

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни холис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ

аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш учун хизмат қилиши керак

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар бирдамлигини янада мустаҳкамлашнинг асосий омили ҳамда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарт ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, партия ўз депутатлари орқали иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириб бориш, жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришни кўзда тутлади.

ЎЗХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи вилоят Бандлик бош бошқармаси ҳамкорлигида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича депутатлик назоратини олиб бормоқда. Қайд этиш керак, ўтган йили вилоят аҳолисининг меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол қатлами 1364,5 минг нафарни ташкил қилган. Вилоят бўйича ўтган йили 70 минг нафарга яқин ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Жумладан, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун ўтган йили 627 та корхона ва ташкилотларда 2700 та иш жойи банд қилинган бўлиб, кўрилган чора-тадбирлар натижа-сида 2703 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган.

Вилоятда камбағалликни қисқартириш бўйича ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бу борада қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда энг аввало кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож камбағал оилалар аниқланиб, қишлоқ ҳўжалиги кооперативларга ўртача 50 нафардан фуқаролар бирлаштирилди. 50 сотихгача ер майдони ва бандликка кўмаклашиш давлат жағмармасидан 2,2 миллион сўмдан субсидия ажратиш амалиёти жорий этилди. Бундан ташқари, ўтган йил давомида иш берувчиларнинг бюром-ларига асосан, 4019 нафар ишсиз фуқаро касб-ҳунарга ўқитилиб, ўқув курсларини тамомлаган бўлса, улардан 2402 нафари иш берувчилар ихтиёрига юборилди.

"Меҳрибонлик уйи"ни битириб чиққан ёшларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда ишга жойлаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз амалий ишларни олиб бормоқда-лар. Электорат манфаати йўлида меҳнат қилиш, партияимизнинг дастурий гоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш фаолияти-мизнинг бош мақсади бўлиб қолаверди.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши

ЯРОҚСИЗ ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ДЕҲҚОНЛАР ВА ТУМАН АҲОЛИСИГА ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Ана шу масала ЎЗХДП Деҳқонobod туман кенгашининг навбатдаги пленуми кун тартибига киритилди.

Бу йилги қурғоқчилик лалмикор деҳқончилик билан шуғулланувчи Деҳқонobod тумани аҳолиси ва деҳқонларини қийин аҳволга солиб қўйди. Экилган экин майдонларининг 90 фоизи яроқсиз ҳолатга келган. Натижада чорва молларини емиш билан таъминлашда муаммолар пайдо бўлди. ЎЗХДП Деҳқонobod туман кенгашининг навбатдаги пленуми ана шу масалага бағишланди. Шунингдек, аҳолини куз-қиш мавсумларида ун маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш ва чорва молларини сақлаб қолиш учун чорва концентрат озуқаларига бўлган талабини қондириш тизими яратилиши бўйича таклиф киритилди.

Партия фаоллари, депутатлик гуруҳи аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, туман бандлик маркази, туман қишлоқ ҳўжалиги бўлими ва фермерлар кенгаши мутахассислари, туман ҳокимлиги масъул ходимлари масалани қизгин муҳокама этишди. Пленумда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлигига тақдим этилди.

Турдикул МАМАНОВ, халқ депутатлари Деҳқонobod туман Кенгаши депутати, ЎЗХДП гуруҳи аъзоси.

МУНОСАБАТ

Айрим раҳбарлар ҳанузгача мажбурий меҳнат деганда фақатгина пахта теримини тушунади. Ташкилот ҳовлисини супуриш, ёввойи ўтларни юлиш, ерни юмшатиш каби ишларни эса оддий ҳол деб қабул қилишади. «Оқ халатли ҳамшира шифохона худудидан, ўқитувчи эса мактабдан чиқмаса бўлди, ичкарида ҳаммаси мумкин» деган ақида улар онгида ўрнашиб қолган.



«БИЗ ҲОВЛИНИ СУПУРСАК, БЕМОРГА КИМ ҚАРАЙДИ?»

Ёки мажбурий меҳнатга кимлар мажбур қилмоқда?

Мамлакатимизда мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича қатъий чоралар кўрилишига қарамаздан, худудларда ана шунга оид қонунбузилишлар ҳамон учра-моқда. Бу борада эътироз қабул қилин-майди, мабодо бу ҳақда оғиз очсангиз, шу заҳоти душманга айланасиз, қоласиз. «Ўз уйимизни сиз-у биз тозаламасак, ким тозалайди», деб таъна-дашном қилиша-ди. Шу ўринда: «Биз ҳовлини супурсак, беморларга ким қарайди, ўқувчиларга ким дарс беради, фаррошларини?» деб савол беришга ҳеч кимнинг ҳақди сиб-майди.

Ижтимоий тармоқларда Қашқадарё вилоятида тиббиёт ходимлари ўт юлиш-га олиб чиқилгани ҳақидаги видеоларва кенг муҳокамага сабаб бўлди. Лавҳада Шахрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмаси ходимлари кечки навбатчиликдан сўнг

мажбурий ҳашарга олиб чиқилгани ай-тилган.

Қонунчилигимизга кўра, бевосита мансаб вазифасига кирмайдиган ҳар қандай ишга жалб қилиш мажбурий меҳнат ҳисобланади. Ходимларни уларнинг ихтиёрсиз ободон-лаштириш, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ва қурилиш ишларига, шунингдек, турли тад-бирларга жалб қилиш каби ҳар қандай мажбу-рий меҳнатнинг қўрилиши деб баҳоланади. Бу эса маъмурий ва жинойи жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-дексининг 51-моддасига мувофиқ, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда маж-бурлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг эл-лик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси-нинг қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, барча даражадаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига мажбурий меҳнатга чек қўйиш, мажбурий меҳнатга жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чора-лар кўриш белгиланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ходимларни мажбурий меҳнатга жалб қи-лиш ҳолатларини кескин қоралайди ва ушбу масалада вилоят ҳокимлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда ҳу-қуқи муҳофаза қилиш органларининг ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беришини ва расмий муносабатини кутади.

Аброр ҚУРБОНОВ, ЎЗХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.

ХДП фаоли таклиф билдиради:

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИГА САМАРАЛИ ЁНДАШУВ КЕРАК

— Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш борасида мустахкам ҳуқуқий асос, самарали тизим яратилган. Бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг роли кенгайиб бориши, турмуш фаровонлиги, онгу тафаккури юксалаётганлиги ушбу саъй-ҳаракатлар натижасидир. Лекин шундай бўлса ҳам, хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш масаласида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар бор. Шундай экан, бундан фақат ваколатли ёки мутасадди давлат идоралари фаолиятига дахлдор масала, деб қарамасдан, барча фуқаролик жамияти институтлари, керак бўлса, ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчи сифатида кўришимиз лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ЎЗХДПнинг Сайловолди дастури, шунингдек, "Аёллар қаноти"нинг низомида белгиланган қатор масалаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам электоратимиз бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилиш имконини беради. Ўз навбатида, ушбу йўналишдаги ишларимизнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор амалиётга боғлиқ таклифларимни илгари сурмоқчиман.

Азал-азалдан инсонни шакллантирадиган, унинг дунёқарашини ўзгартирадиган восита бу ахборотдир. Бугунги кунда айнан аҳолининг эҳтиёманд қатлами жумладан, хотин-қизлар ўзлари учун зарур бўладиган қонун ҳужжатлари, бундан ташқари, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, уларда назарда тутилган имконият ва имтиёзлар ҳақидаги ахборотлардан етарли даражада хабардор эмас. Бу айниқса, партияимиз электорати бўлган эҳтиёманд оилалар

ва аёллар учун жуда аҳамиятли.

Шундай экан, партияимиз сайтининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ёки бошқа каналларни ташкил этиш орқали партия электорати бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, улар учун яратилаётган имтиёзлар ва бошқа зарур маълумотларни акс эттирадиган Ахборот манбасини яратиш ва уни доимий равишда янгилаб бориш зарур. Бу манбага барча бошланғич ташкилотларни улаш орқали энг қўйи қатламларга етказиш механизмини яратиш керак.

Шунингдек, таҳлилсиз бирор масалани ўрганиш, муаммони ҳал қилиш мумкин эмас. Бу ишни тўғри ва самарали ташкил этиш имконини беради. Шундай экан, партияимизнинг ҳар бир туман, шаҳар кенгашида таъйиққа ва зўравонликка учраган аёлларнинг сони, улар билан олиб борилаётган ишларнинг ҳолати ҳақидаги таҳлилий маълумотлар бўлиши лозим.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси мисолида оладиган бўлсак, жорий йилнинг уз ойи давомида 973 нафар хотин-қиз таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган ва уларга ҳимоя ордерлари берилган. Энг аянчлиси, уларнинг 7 нафаридан ташқари 966 нафари оилада айнан эрлари томонидан таъйиқ ва зўравонликка учраган. Буларнинг 14 нафаридан ташқари барчаси, яъни 959 нафари руҳий зўравонликдир. Уларнинг барчасига тегишли ёрдам кўрсатилган, албатта.

Бу маълумотлар нимани кўрсатади? Демак, бу баъзи оилаларда эркакнинг аёлга муносабати ўзгармаётганлигидан далолат беради. Шундай экан, биз фақат аёллардан иборат аудиториялар билан эмас, балки эр ва хотин билан биргаликда иш олиб борадиган механизм асосида ишлашимиз керак бўлади. Бунинг энг самарали

йўли — оилаларга маҳалла орқали кириб боришдир. Зеро, маҳалла ўз худудидидаги ҳар бир оила, ундаги шароитлар, муаммоларни ҳар кунги кўриб турадиган, шу худуд оқсоқоллари, кайвониларини ишга солган ҳолда вазиятни ўзгартиришга таъсир ўтказ-а оладиган институтдир.

Бундан ташқари, хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этишимиз талаб этилади. Масалан, қонунда ушбу соҳада таълим, тиббиёт, ички ишлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг иштироки, вазифалари, мажбуриятлари аниқ-равшан кўрсатиб қўйилган. Бироқ амалда хотин-қизлар таъйиқ ва зўравонликка учраган пайтда шу ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатилаётми, деб айта олмаимиз. Шундай экан, бу йўналишда кучли депутатлик ва жамоатчилик назорати муҳимдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, зўравонликка, таъйиққа учрайдиган аёллар аксарияти ишсиз, бирор касб-ҳунарга эга бўлмаган, ҳар қандай вазиятда мустақил ҳаёт кечириб, ўзини ўзи тортиб кетолмайдиган аёллардир. Албатта, бугун мамлакатимизда бундай тоифадаги аёллар учун кенг имкониятлар яратилган. Хусусан, камбағалликни қисқартириш борасида кўриллаётган чора-тадбирлар доирасида "Аёллар дафтари"нинг шакллантирилиши улар билан ишлашнинг аниқ механизмини яратиб берди.

Президентимиз парламентга йўллаган Мурожаатномасида кредитлар ажратиш, нафақалар тайинлаш орқали камбағалликни қасқартириб бўлмастлигини, одамларда ички имкониятларни рўёбга чиқариш,

ишчанлик руҳини кучайтириш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу ўринда хотин-қизларнинг ҳам ўз имкониятларини рўёбга чиқариш масаласини биринчи ўринга қўйишимиз керак. Чунки камбағал бўлсин, ноғирон бўлсин, ҳар қандай одамнинг ўзига хос қобилияти, ихтидори бўлади. Шундай экан, ижтимоий ёрдамга муҳтож одамларнинг қизиқларини, интилишларини ўрганиб, уларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, аниқ меҳнатга йўналтириш лозим.

Умуман олганда, хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва билимларини ошириш, уларни касбларга ўқитиш, иш билан таъминлаш каби ижтимоий масалаларнинг самарали ҳал этилиши таъйиқ ва зўравонликлар олдини олади.

"Аёллар қаноти" тизимида ижтимоий ёрдамга муҳтож хотин-қизларга мотивация берадиган, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган лойиҳаларни кўпайтириш, ОАВларда аёлларимизнинг чиқишларини фаоллаштириш зарур.

Шу билан бирга, партияимизнинг фаол, ҳаётда ва ишда юқори натижаларга эришган аёлларини зўравонлик ва таъйиққа учраган, руҳий унрашликка тушган аёллар билан учраштириш керак, деб ўйлайман. Ҳаётда қийинчиликларга учраётган аёлларга дўст бўлиб, опа-сингил бўлиб ёрдам кўрсатадиган лойиҳаларни ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Партияимиз тизимида хотин-қизлар билан ишлашнинг энг самарали йўлларини таъйиқ этиш, "Аёллар қаноти"нинг ишларини янада ривожлантириш борасидаги ташаббус ва ғоялар, лойиҳаларни амалга оширишда барчамиз фаол иштирок этишимиз керак бўлади.

ЎЗХДП: АМАЛИЙ ЛОЙИҲАЛАР АҲОЛИГА ИЖТИМОЙ КЎМАК – УСТУВОР ВАЗИФА Бу борада чинозлик депутатлар фаоллик кўрсатишмоқда



ЎЗХДП ташаббуси билан ташкил этилган "Аёлларга кўмак" лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири "Аёллар дафтари"га киритилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир. Шу мақсадда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 500 нафардан зиёд хотин-қиз бўш иш ўринлари билан танилишди.

Кам таъминланган, ишсиз, ноғиронлиги бўлган хотин-қизларни хоҳиш ва қобилиятига қараб касб-ҳунарга ўқитиш, уларни тад-биркорлик, касаначилик фаолиятига жалб этиш, уларга хусусий тадбиркорлик ҳамда томорқа ҳўжалиқларини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратишда чинозлик партиядош депутатла-римиз яқиндан кўмаклашишмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Чиноз туман Кенгаши депутати К.Шерматова ташаббуси билан "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар даф-тари"га киритилганлар учун бир неча йўналиш бўйича "Мумтозбегим" номли ўқув маркази ташкил этилган. Бугунга қадар марказга жалб этилган 314 нафар ёшлар ва хотин-қизлар эгаллаган касблари бўйича диплом ҳамда 251 нафар ёшлар ва аёллар малака сертифи-катларига эга бўлишди. Тадбир давомида 20 га яқин хотин-қизларга эгаллаган касблари бўйича сертификатлар топширилди.

Бу ерда ўқув маркази битирувчиларининг бандлиги ҳам таъмин-ланмоқда. Битирувчиларнинг асосий қисми ўзини ўзи банд қилиб, кредит олиш орқали ўз тадбиркорликларини йўлга қўйишмоқда. Депутат К.Шерматова ёрдами билан марказ битирувчиси Мукар-рам Маҳаматовга 7 дона тикув машинаси берилди. Натижада ёш тадбиркор "Мукаррам" МЧК тикув цехини ташкил этди. Қувончлиси, янги корхонада 10 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Тадбирда мазкур тикув цехининг очилиш маросими ҳам ўтказилди.

"Меҳр улашайлик" лойиҳаси доирасида тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар ва ёшлар фаолияти билан яқиндан тани-шилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ноғиронлиги бўлган, "Аёллар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳ-тож хотин-қизларнинг хонадонларига таширф бўрилиб, яшаш шароитлари ўрганилди, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.

"Дўстлик" маҳалласида яшовчи 1993 йилда туғилган Д.Фай-зуллаевага ноғиронлик нафақаси тайинланди ва фуқаролик паспорти олиб беришда кўмаклашилди. Бундан ташқари, депутат кўмагида оила яшаётган уй таъмирланди, ҳовлининг 3,5 сотих майдонига иссиқхона қуриб берилди.

Бундай эзгу ишлар партияимизнинг вилоятдаги барча шаҳар ва туман кенгашларида давом этмоқда.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши.

МУРОЖААТНОМА

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – “темир дафтар” тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

ТАШАББУС

БАРЧА «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ва "Темир дафтар"га кирган ёшлар Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ҳайдовчиликка бепул ўқитилади



Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар сиёсати оид вазифалар ижроси таҳлилига бағишланган видео-лектор йиғилишида ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шaroит яратиш бериш лoзимлиги таъкидланган эди.

Видеоселектор йиғилишида бундан буён, яъни 1 майдан бошлаб ёшларни ишга қабул қилган корхоналарга улар учун тўланган ижтимоий солиқ қайтариб берилиши, шунингдек, биринчи марта ишга кирган касб-хунар маркази битирувчилари 6 ойгача даромад солиғи тўлашдан озод этилиши қайд этилди. Қолаверса, эндиликда ижарага бино олиб, ўз бизнесини бошлаётган фанларга бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизгача қисми қоплаб бериладиган бўлган бўлса, 1 июндан бошлаб "Ёшлар дафтари"га кирганларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажати билан бир қисми ҳам қоплаб берилади.

Эътиборлиси, ёшларнинг профессионал таълим мактаблари, техникумларда ўқиши учун тўланадиган контракт суммаси даромад солиғидан озод

қилинади. Шу билан бирга, 1 июндан "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшлар ва "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажатлари бюджетдан тўлаб берилиши ҳам белгилаб қўйилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили давлат дастурида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти автоматотранспорти курсларида тахсил олишмоқда. Шу билан бирга, эҳтиёжманд ёшларни ўз ичига олган навбатдаги ўқувчилар гуруҳлари ҳам шакллантирилмоқда. Ташкилот 2021 йилнинг охиригача 14755 нафар ҳайдовчи тайёрлашни режалаштирган. "Ватанпарвар" ташкилоти нодавлат нотижорат ташкилот сифатида бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида мустаҳкам ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ўқоридидаги хайрли ишларни узвий давом эттириш мақсадида "Ватанпарвар" ташкилоти "Ёшлар дафтари"даги ва "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётган фуқаролар ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажатлари тўлаб берилиши ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаш билан бирга, давлат буюртмалари берилган тақдирда "Ватанпарвар" ташкилоти республика бўйлаб ўз тасарруфидида 300 га яқин автоматотранспорт курсларида эҳтиёжманд ёшлар ва "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари

– вулканизатор, электрик-аккумуляторчи, газ-электр пайвандчи, чилангар, автоэлектрик мутахассисликлари бўйича ўқитилиши мўлжалланмоқда. 3-босқичда декабрь ойидан бошлаб "Мураккаб техникаларни бошқариш курслари" йўлга қўйилиб, ушбу курсларда юк ортувчи транспорт, автогидро-подъёмник, юк машинаси крани, гилдиракли трактор, битта қовшиш экскаватор техникаларини бошқариш бўйича ўқитилиши кутилмоқда. Эътиборлиси, "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган фуқаролар юқоридаги касбларга бепул ўқитилиши режалаштирилган.

Ушбу хайри ишнинг дебочаси сифатида жорий йилнинг 10 март кунини республикамиз миқёсида "Ёшлар дафтари"га рўйхатга киритилган 56 нафар ёшларга (ҳар бир вилоятдан 4 тадан) "Ватанпарвар" ташкилоти автоматотранспортида бепул ўқиш учун сертификат топширилди. Ҳозирда ушбу ёшларнинг ўқиш харажатлари ташкилотнинг моддий базаси ҳисобидан тўлиқ қопланиб, сўнгги рўсумдаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган автоматотранспорт курсларида тахсил олишмоқда. Шу билан бирга, эҳтиёжманд ёшларни ўз ичига олган навбатдаги ўқувчилар гуруҳлари ҳам шакллантирилмоқда. Ташкилот 2021 йилнинг охиригача 14755 нафар ҳайдовчи тайёрлашни режалаштирган. "Ватанпарвар" ташкилоти нодавлат нотижорат ташкилот сифатида бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида мустаҳкам ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ўқоридидаги хайрли ишларни узвий давом эттириш мақсадида "Ватанпарвар" ташкилоти "Ёшлар дафтари"даги ва "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётган фуқаролар ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажатлари тўлаб берилиши ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаш билан бирга, давлат буюртмалари берилган тақдирда "Ватанпарвар" ташкилоти республика бўйлаб ўз тасарруфидида 300 га яқин автоматотранспорт курсларида эҳтиёжманд ёшлар ва "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари

га ҳайдовчилик бўйича сифатли таълим беришга тайёрлигини ҳам билдиради.

Бунинг учун ҳайдовчилар тайёрлаш бўйича ўттиз йиллик таърибага эга "Ватанпарвар" ташкилоти автоматотранспортининг моддий базалари, ўқув методикалари, ўқитувчилари ва ҳайдовчи-инструкторларнинг малакалари халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради. Қолаверса, жорий йилнинг бошида "Ватанпарвар" ташкилотининг худудий кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ўртасида шериклик соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлари тузилган бўлиб, унга мувофиқ республикада ҳарбий-ватанпарварлик, спортнинг техник ва амалий турларини омаллаштириш, ёшларни касбга тайёрлаш ишлари билан бирга, Ташкилотнинг жойлардаги бўлинмалари моддий-техник базаларини ривожлантириш ишлари бошлаб юборилган.

Бу автоматотранспортининг афзаллиги шундаки, ҳайдовчиликка тайёрланаётган ёшлар нафақат касбга ўқитилади, балки улар орасида мунтазам равишда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботлари олиб борилади ҳамда улар автокросс, мотокросс, картинг, триатлон, дуатлон, ёғи биатлон, ҳарбий амалий кўпкураш, ҳаво милтиғидан ўқ отиш, авиамодел, ракетамодел, кемамодел, радиоспорт каби спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиб борилади. Бир сўз билан айтганда, ёшларни моҳир ҳайдовчи этиб тайёрлаш билан бирга, жамиятнинг фаол ва ватанпарвар фуқароси этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади.

"Ватанпарвар" ташкилоти республикамиздаги белгиланган қонунчиликка мувофиқ ўзи каби нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу билан бирга, давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан фаол ижтимоий шерикликни амалга ошириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

ИМКОНИЯТ



МАКТАБ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ҲАМКОРЛИГИ

Самарқанд давлат университети мактабгача таълим факультети профессор-ўқитувчилари Ургут туманидаги 121-мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларига амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Мактабимизда 1777 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Уларга 100 га яқин ўқитувчи сабоқ беради. 2020 йилдан бошлаб, Самарқанд вилояти ҳокими, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Эркинжон Турдимовнинг ташаббуси билан мактабимизга СамДУнинг мактабгача таълим факультети довллари бириктирилган эди. Тўғриси айтганда, бошида бу ҳаракат қандай натижа беришини билмагандик. Лекин қисқа вақт ичида мактабимизда таълим-тарбия жараёни сифат ва самарадорлик жиҳатидан ўзгаришга юз тутди.

СамДУнинг мактабгача таълим факультети декани, профессор Бахтиёр Ҳайдаров раҳбарлигида олийҳок педагоглар томонидан мактаб кутубхонасига 100 дан зиёд бадиий, илмий китоблар тақдим этилди.

Бу ўқув йилида мактабимизни 129 нафар йилит-қиз битиради. Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишининг масъулияти, жавобгарлиги нафақат ота-онани ёки мактабни, балки Самарқанд давлат университети мактабгача таълим факультети довлларининг ҳам зиммасида. Бу ҳақиқатни англаган ҳолда СамДУ довллари йил давомида ўқувчиларимиздан барча фанлар бўйича ёзма ишлар олди. Уларни баҳолаб, битирувчи синф ўқувчиларига тегишли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатишди. Уз устида ишлаш, қайси фанларга чуқурроқ эътибор қаратиш юзасидан тавсиялар беришди. Тест синовларига тайёргарлиқда қандай омиллаларга таяниш борасида маслаҳатлари билан ўртоқлашди.

СамДУ довллари томонидан шу кунгача ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар маҳорат дарслари доимий равишда ўтказилиб келинмоқда. Довллар ўқитувчиларимизга ўз устида ишлаш, замонавий технологиялар, чет эл таърибаси, педагогика йўналишларида тақлиф ва тавсиялар бермоқда.

Алоҳида эътироф этишим керакки, СамДУ ректори, профессор, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Рустам Холмуродов битирувчиларимизга яна бир имтиёз ва имконият яратиш берди. Яъни, битирувчи синф ўқувчилари университет тайёрлов курсларида бепул ўқитилади. Бу ташаббусдан айниқса, ота-оналар қувонишиди. Ҳозир битирувчилар дарсдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртига қиришга тайёрланмоқда. СамДУ олимлари томонидан кимё, биология фанлари бўйича виртуал лабораториялар тақдим этилди. Компьютер жамланмалари берилиш арасида.

Мактабимиз жамоаси, Ургут туманидаги Наврўз, Дўстлик, Камардон, Чағизмон маҳаллалари аҳли номидан СамДУ ректори ва профессор-ўқитувчиларига миннатдорлик билдириб, уларнинг эзгу ва хайрли ишларида муваффақиятлар тилаймиз. Бу ташаббус мактаб таълимига сифат ва масъулият аънавий, маърифат олиб кирди. Аслида мақсадимиз ҳам илмий, истеъдодли ёшларни тарбиялаш. Шу йўлда куч-таърибаларнинг бирлашиши катта натижалар беради, деган умиддамиз.

Ғолиб ХУШБАҚТОВ,
Ургут туманидаги 121-мактаб директори.

«ТОКИО-2020» ПАРАЛИМПИЯ УЙИНЛАРИДА

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЯНАДА КЎПРОҚ МЕДАЛЛАРНИ КЎЛГА КИРИТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН

Яқинда Президентимиз томонидан "Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор имзоланди. Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида "Ўзбекистонда паралимпия спорти истиқболлари" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Қарорда Ўзбекистонда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шaroитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда иқтидорларини танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишни таъминловчи услуксиз ягона комплекс тизимни жорий этиш, Миллий Паралимпия ассоциацияси негизида Миллий Паралимпия кўмитаси ташкил этиш вазифаси белгиланган. Бугунги кунда халқаро Паралимпия кўмитасига дунёнинг 168 та давлати аъзо ҳисобланади. Улар орасида фақатгина 5 та давлат ассоциация мақомида, қолган барчаси эса кўмита мақомида фаолият юритади.

Анжуманда Паралимпия ассоциацияси раиси ўринбосари Шариф Мўминжонов мамлакатимизда паралимпия спортига қаратаётган эътибор ва гамхўрлик бу соҳада фаолият юритаётган инсонларни жуда руҳлантирганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси негизида Ўзбекистон Миллий Паралимпия кўмитасининг ташкил этилиши жаҳон таърибасидан келиб чиққан ҳолда ўз самарасини беришини ҳам алоҳида қайд этди.

— Президентимиз қарори билан паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услуви қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида Паралимпия кўмитасининг худудий бўлинмалари ташкил этилади, — дейди Шариф Мўминжонов. — Шу билан бирга, паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш кўзда тутилган. Бу борада Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг паралимпия факультети ташкил қилинади. Шу билан бирга, Паралимпия кўмитаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Паралимпия спорт турлари



бўйича мутахассисларни тайёрлаш институтини ҳам ташкил этилади. Институт паралимпия спорт турлари билан шуғулланувчи мураббийлар, услуви-йўриқчилар ҳамда бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган илмий-таълим муассасаси ҳисобланади.

— Ушбу қарорда мувофиқ Туризм ва спорт вазирлигида 2 та шатдан кам бўлмаган тарзда алоҳида Паралимпия бўлими ташкил этилади, — деди Туризм ва спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи Жамшид Ҳасанов. — Бу бўлим Паралимпия кўмитаси билан тизимли иш олиб боради. Алоҳида таъкидлаш лoзим бўлган яна бир муҳим жиҳат, қарорга мувофиқ республикамизда 300 дан ортиқ спорт таълим муассасаларида фаолият юритаётган паралимпия спорт турлари бўйича тренерларнинг маоши 1,5 баробарга оширилади. Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан бошлаб кўмита тавсиясига асосан мамлакатимиздаги барча Олимпия захиралари коллежларининг паралимпия спорт турлари бўлимларига юборилаётган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар учун 5 фоизгача қўшимча квоталар ажратилади.

Матбуот анжуманида мутахассислар томонидан "Токио-2020" ёғи Паралимпия уйинларига тайёргарлик жараёни ҳақида ҳам маълумот берилди. Кейинги пайт-

да Паралимпия уйинларида ўзбекистонлик спортчиларнинг иштироки йилдан-йилга яшиланиб бормоқда. Жумладан, 2008 йил Пекинда ўтказилган ёғи Паралимпия уйинлари юртимиз спортчилари учун дастлабки эди ва унда 2 нафар спортчимиз 2 та спорт тури бўйича иштирок этди. 2012 йил Лондонда бўлиб ўтган Паралимпия уйинларида 4 та спорт тури бўйича 10 нафар паралимпиячимиз қатнашди ва юртимизга битта медаль билан қайтди. 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган сўнгги Паралимпия уйинларида 5 та спорт тури, яъни пара енгил атлетика, пара сузиш, пара дзюдо, пара пауэрлифтинг ва пара ўқ отишдан жами 32 нафар спортчи қатнашди, унинг якунида вакилларимиз 31 та медалга эришди.

Очқини айтиш лoзим, бу юксак натижалар тарихда қолди. Олдинда эса «Токио-2020» паралимпия уйинлари кутиб турибди. Ушбу уйинларда бундан-да кўпроқ спортчиларимиз билан янада кўпроқ медалларни қўлга киритиш мақсад қилинган. Ишонимизки, спортчиларимиз Японияда ҳам юқори марраларни забт этади.

Тадбир якунида мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ТАШВИШЛИ ҲОЛАТ

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК

инсоннинг ҳаёти ва эркинлигига дахл қилади

Оила ҳаёт абадийлигини ҳамда авлодлар довомийлигини таъминлайди. Айтиш жоизки, халқимиз бу муқаддас кўргоннинг пойдевори мустаҳкам бўлишига доимо катта эътибор қаратиб келган. Шу маънода биз, ўзбекларда тўқис бахт тушунчаси ҳам оила бутунлиги билан белгиланишида теран маъно бор. Оила аъзоларининг бир-бирига бўлган иззат-ҳурмат, муомаласи оиладаги муҳитни ифодалайди. Ота-она фарзанларни соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида гамхўрлик қилишлари шарт.

Бирок кейинги йилларда эр-хотин ўртасида содир бўлаётган жанжаллар барчамизда ҳавотир ва ташвиш уйғотади. Оммавий ахборот воситаларида дилни хира қиладиган ана шундай ҳодисалар ўз бераётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез ўқимокдамиз. Аёлларни таҳқирлаш билан боғлиқ зуравонликлар кишини чуқур уйга толдиради. Бундай шафқатсизликлар содир бўлаётганлиги сабабларидан бири, деб пандемия даврида карантин чекловлари туфайли уйдан қиқшининг имкони чегараланганлиги оқибатида юз берди, дейиш мумкин. Яна бир сабаб кўни-қўшинларнинг тегишли идораларнинг карантин пайтида оилавий муаммоларга аралашувининг кескин пасайганлиги ноҳус воқеаларни келтириб чиқарди. Қолаверса, менталитетимизга хос бўлган аънаваларга кўра, уйдаги жанжални кўчага чиқаришни хоҳламаймиз. Ана шу нарса ҳам аёлларга бўлган зуравонликни ҳам кучайтирди. Афсуски, андишага Борилган оқибатда ҳақорат ва зулм авж олди. Натижада аёлларимиз қийин вазиятга тушиб қолиб, ҳаёти ва соғлиғи ҳавф остида қолди. Жабрдийдалар муаммоларини яқин қариндошларига айтганларида "Ҳа, энди оилада бўла-да" дейишлари ҳам аёлларнинг мунтазам ҳўрланмишга олиб келмоқда. Оилавий зуравонликка бир оиланинг муаммоси ёки ташвиши, деб қараш мутлақо нотўғри.

Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши жорий йилнинг 27 апрелдаги навбатдаги мажлисида ҳам оилавий зуравонликнинг олдини олиш ва оилавий зуравонликдан жабр кўрганларга амалий кўмак бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда ушбу муаммага қарши кураш келинмоқда. Жабрдийдаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бизда одатда эридан жабр кўрган аёл тегишли жойга арз қилмайди. Бу ҳолат ақсарият зуравонларнинг жазосиз қолишига олиб келмоқда. Жабрланувчилар айбдор билан бир уйда яшашини ҳисобга олсак масаланинг нақадар оғирлигини англаш қийин эмас. Таҳлиллар ҳуқуқбузарликларни асосан эркаклар содир этаётганини кўрсатаётди. Ушбу иллатга қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ўз фаолиятларини самарали ташкил этишларини ҳаёт тақозо этмоқда. Улар маҳаллаларда ва иш жойларида оилавий зуравонликнинг олдини олиш бўйича профилактик суҳбатлар олиб боришлари мақсада мувофиқ, иш шундай ташкил қилина кўпгина ҳуқуқбузарликларнинг олди олинарди.

Айтиш керакки, оиланинг тинчлиги, аҳиллиги, бахти биринчи галда ота-онага боғлиқ. Шундай экан, эркак ўз оиласида тартиб-интизом, ахлоқ, ўзаро илиқ муомалада ўрнат бўлса жамият ривож топади. Ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-қаноатли бўлиш керак. Ҳаёт синовлари ҳеч қачон оиладаги вазиятни чигаллаштирадиганлиги, аксинча бир-бирини қўллаб-қувватлаш саодатга етаклашини унутмайлик. Оиламиз — муқаддас кўргонда ҳамisha шоду хўррамлик бўлсин.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
Жинойат ишлари бўйича Миробод тумани судининг судьяси.
Сўхроб ТАЛИПОВ,
Тошкент шаҳар маъмурий судининг судьяси.

МУРОЖААТНОМА

«Ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур.»

ОМБУДСМАН: ИНСОНИЙЛИК ТАМОЙИЛИ ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ ЛОЗИМ



Омбудсман бирор киши манфаатларининг вакили, деган маънони англатади. Шундан келиб чиқиб, у назоратни амалга оширади ва прокурордан фарқли равишда нафақат қонунийлик, балки самардорлик, мақсадга мувофиқлик, адолатпарварлик нуқтаи назаридан ҳам текшириш олиб боради. Илк бор 1709 йилда Швеция қироллиги ҳузурида жорий этилган ушбу лавозим бугунги

кунда юздан ортиқ мамлакатда мавжуд бўлиб, улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Омбудсман фаолиятининг ўзига хосликлари, унинг келгуси режа ва мақсадлари билан қизиқиб, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Феруза Эшматовага мурожаат қилдик. — Омбудсман институти барча давлатлар учун муҳим саналади. Утган йили 15 мингга яқин мурожаат келиб тушган бўлса, бу йилнинг биринчи чорагида ушбу курсаткич 4 мингтаги ташкил қилди. Кунига ҳисоблаганда 100 тадан 160 тагача мурожаат қабул қилинишни англатади. Натижадорлик бўлаётгани сабабли ҳам фуқароларда мурожаат қилиш кўникмаси анча ўсди.

Жорий йилда Омбудсманнинг янги веб-сайтини ишга туширдик. У ерда кўнлик қилинаётган ишлар, режалар ҳақида ёритилмоқда. Бу орқали фаолиятимизда очик ва ошкораликни таъминлашга эришмоқчимиз. Мурожаатларни электрон қабул қилиш тизими ҳам аҳолига қўшимча қулайлик яратмоқда.

— **Фуқаролар Омбудсманга қайси масалаларда кўпроқ мурожаат қилишади?**

— Тўғриси айтсам, мурожаатлар мазмуни хилма-хил. Деярли барча соҳаларга алоқадор бўлганлари топилади. Хусусан, судларда кузатувчи сифатида Омбудсман иштирокини сураб мурожаат қилувчилар кўпчилигини ташкил этади. Мақҳум ва мақҳумаларнинг қариндошларидан ҳам кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Пандемия пайтида айрим фуқаролар ўз иш жойларидан ажраб қолди. Айниқса, хотин-қизлар уйда қолишга, болаларга қарашга мажбур бўлди. Шунинг учун ишга тикланишда ёрдам сўровчи кишилар сони ортиди ва бу мурожаатларда ҳам ўз аксини топди. Алимент ундириш билан боғлиқ мурожаатлар ҳам оз эмас.

— **Омбудсман фаолиятининг яна қайси йўналишлари муҳим?**

— Аҳоли мурожаатлари билан ишладан ташқари, миллий превентив механизм доирасида мониторинг амалга ошираемиз. Президентимизнинг парламента Мурожаатнома-сида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Утказилган ўрганишлар ҳақида ҳар чорақда парламента маълумот киритиб бораемиз. Йилига бир марта тўлиқ маъруза билан парламента чиқиш қилинади.

Миллий превентив механизм нима, деган савол туғилиши табиий. Бу тушунча жазони ижро этиш муассасаларида ёки тергов изоляторларида, фуқароларнинг озодлиги чекланадиган жойларда мониторингнинг амалга ошириб, уларга яратилаётган шароит, бўлаётган муомала ва кўрсатилаётган хизматлар ўрганилади. Утган йили 70 дан ортиқ бориб ўрганишлар ўтказилган бўлса, бу йилнинг биринчи чорагида уларнинг сони 25 тани ташкил қилмоқда. Экспертлар гуруҳи шакллантирилган, яъни нодавлат нотижор ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари билан биргаликда бориб, ўша муассасалардаги ҳолат ўрганилган.

Кўйноқларнинг олдини олиш масаласида меърий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш вазифамиз ҳам бор. Давлат дастуридан ўрин олган ушбу ҳужжат лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Уни янада тақомиллаштириш устида ишланяпти.

Яна бир масала. Омбудсман ҳузурида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича комиссия бор. Биринчи марта ушбу комиссияга ҳам ННТ, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари киритилдики, мақсад фуқароларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилишдир.

— **Аҳолининг Омбудсман фаолиятидан хабардорлик даражасини ошириш ҳам муҳим. Бу масалада қандай янгиликлар бор?**

— Таҳлиллар натижасида мурожаатлар сони кундан-кунга ошиб бораётганини кўряпмиз. Демак, улар аҳоли фаолиятимиздан бохабар, дея оламиз. Аммо мурожаатлар кўплиги, вазифамиз масъулият катталигини ҳам англатади. Фуқароларнинг мурожаатлари асосида биз қайси ҳудудда қандай муаммоларга дуч келинаётганини ҳам билиб олиш имконига эга бўляпмиз. Уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, жойларда сайёр қабуллар ўтказдик. Учрашувлар давомида янада аён бўлдики, минтақавий вакилларимизнинг ишидан хабардорлик даражаси яхши эмас. 14 нафар минтақавий вакил жамоатчилик асосида фаолият олиб боради в улар ўз иш жойларига эгадир. Шу сабабли ҳар бир учрашувада минтақавий вакиллари аҳолига таништирдик, уларнинг электрон манзили, телефон рақами ва қабул кунлари тўғрисида тўлиқ маълумот бердик. Сайтимиз орқали ҳудудлардаги вакилларимизнинг фаолиятини ҳам ёритиб бораемиз ва бу аҳолининг хабардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— **Сиз аввал парламента депутаты бўлгансиз, яъни таққослай оласиз. Қандай ўхшашлик ва фарқлар бор?**

— Ҳар икки йўналишда ҳам аҳоли мурожаатлари билан ишланади, бироқ депутатлик фаолиятида қонун ижодкорлиги, қонунлар ижроси устидан назорат ҳам ўрин олган. Шу нуқтаи назардан, парламента фаолияти масалани кенгроқ қамраб олади. Лекин Омбудсманнинг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишида ёрдам бериш, уларга ҳар томонлама қўмаклашишдан иборат. Омбудсман нафақат қонунларга, шу билан бирга, инсонпарварлик тамойилига риоя қилинишига ҳам масъул, деб биламан.

“Ўзбекистон овози” муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



Давлатимиз раҳбарининг бу йил илк бор мактаб битирувчиларига табрик йўллаши ҳақиқатдан ҳам тарихий воқеа, улар учун алоҳида катта соғва, мустақил ҳаёт оstonа-сига қўйилаётгани мустақкам қадамлар учун муҳим ишонч бўлди. Президентимиз мактабни битириб чиқаётган йигит-қизларимиздан биронтаси эътибордан четда қолмайди, уларнинг ҳар бири халқимиз, Ватанимизнинг чексиз меҳри ва юксак эътиборини ҳис қилиб яшайди, дея таъкидлади ўз табригида.

Президентимиз айтганидай, бутун мамлакатимиз ёшлари инсон ҳар томонлида эркин, озоод ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон, янги Ренессанс бунёдкорларидирлар. Уларнинг ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиши учун давлатимиз ва жамиятимиз бундан буюн ҳам бор куч ва имкониятларини тўла сафарбар этади. Халқимизнинг ана шундай юксак ишончига доимо муносиб бўлиб, деган қорлов ҳар бир йигит-қизнинг олий мақсадига айлиниши аниқ.

Шу ўринда айтиш кераки, ҳозирги вақтда республикамизда 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим, 171 та нодавлат, 18 та давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 56 та математика, 28 та кимё-биология, 14 та ахборот технологиялари фанларига ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Шу билан бир қаторда кейинги йилларда Президентимиз томонидан физика ва чет тилларига ихтисослаштирилган мактаблар очилга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йил сентябрь ойидан 14 та физика ва 207 та чет тилларига ихтисослаштирилган мактаб ўз фаолиятини бошлади.

Бугунги кунда битирувчи ёшлар ўқишни давом эттириши учун мамлакатимизда 137 та олий ўқув юрти, 339 та касб-ҳунар мактаби, 193 та коллеж ва 196 та техникум фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга 71 та олий таълим муассасасида сиртки, 18 та олийгоҳда кечки бўлимлар очилган.

Иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги эҳтиёждан келиб чиқиб, сўнгги 5 йилда бакалаврият босқичида 134 та таълим йўналиши, магистратурада 147 та мутахассислик андиган ташкил этилди. Ҳозирги кунда ёшларимиз учун бир вақтнинг ўзида 5 тагача олий таълим муассасасида танловлар иштирок этиш имконияти яратилгани битирувчилар учун айни мудадо бўлди.

— Мен Ўзбекистон фарзанди эканимдан фахрланаман, — дейди Юнусобод туманидаги 12-умумтаълим мактаби битирувчиси Ирода Рўзиева. — Чунки юртимизда биз ёшларнинг бахтли келажаги учун барча шароитлар яратилган. Биз улардан самарали фойдаланган ҳолда юртимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Вақтимизни беҳуда ўтказмай, олдимизга юқори мақсадлар қўйиб, доимо билим ва кўникмаларимизни ошириб боришга ҳаракат қиламан.

Жамшид БАҲОДИР ЎҒЛИ

НАМАНГАНДА ХАЛҚАРО ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИ



Жорий йилнинг 23 май кунин Наманган шаҳрида 60-халқаро “Гуллар фестивали” тантанали равишда очилди. Май ойининг охиригача давом этадиган ушбу анъанавий анжуман доирасида Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида пресс-тур ташкил этилди. Унда 100 нафарга яқин журналист, шу жумладан, 30 нафардан ортиқ халқаро ҳамда хорижий ахборот агентликлари вакиллари иштирок этиди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги савъ-ҳаракати билан мамлакатимизда фаолият олиб бораётган чет эл дипломатик корпус вакиллари ҳам бу нафосат ва тароват анжуманидан баҳраманд бўлди. Шунингдек,

Туркиянинг Испарта ва Усмонғози, Хитойнинг Циндао, Жанубий Кореянинг Инчхон, Беларуснинг Могилёв шаҳарлари, Покистоннинг Панжоб, Россиянинг Челябинск ва Свердловск, Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятларидан ҳам меҳмонлар ташриф буюришди.

“Гуллар фестивали”да гуллар автопаради ва кўргазмалари, гул етиштириш ва ландшафт дизайни бўйича мастер-класслар, фольклор ансамбллари ҳамда ўзбек эстрадаси юлдузларининг чиқишлари, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати асарлари намойиш этилиши иштирокчиларга бир олам завқ бағишлади.

Эътиборли жиҳати, Наманган халқаро аэропорти олдида турфа хил гуллар билан безатилган, яъни замонавий ва антиквар ҳамда оддийдан тортиб махсус техникаларгача бўлган 200 дан ортиқ автомашиналар карвони шаҳар маркази томон йўл олиб, очилиш маросими ўтказилганидан жойгача етиб келиши фестивалга ўзгача шукҳ бағишлади.

Шундан сўнг вилоят марказидаги Тинчлик майдонида фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов очиб, иштирокчиларни гуллар байрами билан қутлади.

Фестиваль доирасида меҳмонлар Наманган шаҳридаги “Мономарказ”, “Арти Ўзбекистон” — ёшлар зиё максани”, “Даштбў” кичик санаят зонаси, “Ярт Софт холдинг” корхонаси, “Арсоналар водийси” маданият ва истроҳат боғи, “Ун Бир Аҳмад”, Чортоқ туманидаги “Султон Увайс Караний” зиёратгоҳлари, Тўрақўрган туманидаги “Gold fresh fruits”, Чуст туманидаги “Чуст текстил” корхоналари фаолияти билан танишдилар. Гуллар фестивали давом этмоқда

Ўз муҳбиримиз

«ҲАР БИР МАҲАЛЛА МАНА ШУНДАЙ ЧИРОЙЛИ БЎЛИШИ КЕРАК»



Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Учтепа тумани ҳаёти билан танишганида, бу ерда амалга оширилаётган ишларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатган эди.

Пойтахтимиздаги Учтепа туман секторлари қошида ташкил этилган ишчи гуруҳлари аҳоли турар-жойларидаги ҳолатларни маҳаллабай ўрганиб, камчиликларни бартараф этишни доимий назоратта олган. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутаассадлари мазкур гуруҳлар билан ҳамкорликда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларга қўшимча даромад топиш учун шароит яратиш, истиқболли гоё ва лойиҳалар рўёбга чиқиши учун қўмак бериб келмоқда.

— Қонунчиликда фуқаролар йиғини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда

қўлапозорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиши белгиланганига қарамадан, илгари бунга панжа орасидан қараларди, — дейди Учтепа тумани “Тепакўргон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тошпўлат Икромов. — Бу амалиёт кўп жойда йўлга қўйилмаган эди. Биз бу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида профилактика инспекторлари, ширкат раислари ва бошқа идоралар раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорликда иш юрита бошладик.

Президентимиз Учтепа туманида бўлганида Тепакўргон маҳалласи ҳаёти билан танишди. Маҳалла туманининг 11-мавзесида жойлашган бўлиб, ҳудуди 28,5 гектарни ташкил этади. Бу ерда асосан Тошкентда ер қимирлаш содир бўлган кезлари, 1966 йилда кўп қаватли уйлар

қурилган. Маҳалла ҳудудида 30 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, 1900 та хонадонда 2100 та оила яшайди. Иккита 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси, битта ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолият юритади. Бир замонар маҳалламизда барпо этилган болалар майдончаларига ота-оналар фарзандларини олиб чиқишга қўрқарди. Ҳомийлар ёрдамида маҳалламиздаги 6 та майдончани таъмирлаб, замонавий болалар ўйингоҳлари ташкил этдик, спорт қурилмалари билан жиҳозладик.

Маҳалла ҳудудидаги кўп квартиралли уйларда истиқомат қилаётган аҳоли учун муносиб яшаш шароитини яратиш, йўлларни текислаш, автотураргоҳ ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш маканларини барпо этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилади. Туманимиздаги 2-сектор раҳбари Алишер Қораев маҳалла фуқароларига шарт-шароит яратиб, арзонлаштирилган нарҳларда озиқ-овқат савдо шохобчаларини ташкиллаштирди.

Баҳарлайётган эзгу ишларга Учтепа туман ҳокими Фарҳод Абдуллаев ташаббускор бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. У киши туманимизга раҳбар бўлиб келганидан кейин жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар қилинди, туман қайтадан чирой очди.

Тўғриси айтиш керак, яқин-яқинларгача маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида рўй бераётган ишларга кўпчилик эътибор бермасди ёки масъулиятсизлик билан қарарди. Оддий чинқиндини ташлашда муаммолар бор эди. Биз бунга қаттиқ назоратга олдик. Керак бўлган жойда жаримага тортиш усулини ҳам қўладик. Шу йўл билан маҳаллада озодаликни таъминладик.

ТАДБИР ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

мамлакатимизда электр таъминотининг узлуксизлигини таъминлайди

Миллий матбуот марказида “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти томонидан 2021 йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда жамият бошқаруви раиси ўринбосари Файзулла Шоисматов биринчи чорақда электр энергия ишлаб чиқарилиши ва амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳусусида маълумот берди.

— Жамиятимиз таркибида 12 корхона фаолият юритади, — деди Файзулла Шоисматов. — 6 та иссиқлик электр станцияси, 3 та иссиқлик электр маркази ва 3 та пудрат ташкилот шулар жумласидандир. ИЭС ва ИЭМларнинг ўрнатилган қуввати 11 минг 419 мегаватт, ихтиёридаги қуввати 10 минг 249 мегаваттнинг ташкил этади. Бугунги кунда тизимда 10 минг 50 нафар ходим, ишчи-мутахассис ишлайди. Уларнинг 2 минг 62 нафарини эса ёш йигит-қизлар ташкил этади. Бевоқифа ўтган чорақда қилинган ишларга тўхтапсак, 15,9 миллиард килловат соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,6 фоизни ташкил этди. Иил якунига қадар 56,7 миллиард килловат соат электр энергияси ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, ўсиш суръати 110,2 фоз бўлиши кутилмоқда.

Шунингдек, матбуот анжуманида 2021 йил учун инвестиция дастурининг январь-март ойларида бажарилган ишлар бўйича ҳам маълумотлар берилди.

Унга қараб, “Тахиратош ИЭС”да ҳар бирининг қуввати 230-280 МВтга тенг бўлган 2 та бу-газ қурилмаси барпо этилмоқда. Лойиҳа доирасида 2-буғ-газ қурилмаси 2021 йил февраль ойида тўлиқ қувватга чиқарилади. Бугунги кунда иккита буғ-газ қурилмаси ҳам тўла қувватда ишламоқда. Ҳозир қафолатли синов жараёни якунланиб, ишончлилик синов муддати бошланган.

“Сирдарё ИЭС”да энергоблокларни босқичма-босқич модернизациялаш лойиҳасининг умумий қиймати 12,46 миллион долларга тенг бўлиб, шундан 2021 йилда барча манбалар ҳисобидан 91,30 миллион доллар ўзлаштириш кўзда тутилган. Дастлабки жадвалга кўра, жорий йилнинг 5 мартида 10-энергоблок тўхтатилиб, модернизацияга берилди. Бугунги кунда 15 фоиз ишлар бажарилган. Ушбу энергоблокни қайта ишга тушириш жорий йилнинг сентябрь ойига режалаштирилган. Жорий йилнинг 6 апрелида 9-энергоблок тўхтатилиб, модернизация ишлари бошланди.

Матбуот анжумани давомида мутахассислар томонидан ёқилги энергия ресурсларини иқтисод қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш, иқтисодий-молиявий кўрсаткичлар, махсулот таннархини пасайтириш, таъмирлаш ишларининг бажарилиши натижалари ва келгуси режалар ҳусусида атрофчида маълумот берилди.

Тадбир якунида журналистларни соҳага оид кўплаб қизиқтирган саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Тоштемир МУРОД,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Фарҳод АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар, Учтепа тумани маҳалла фаоли.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш уч босқичда амалга оширилади. Бундай маълумотларни йиғиш ва жамлаш ижтимоий-иқтисодий жараёнларни олдиндан баҳолаш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари вазибаларнинг бажарилиши, илм-фан ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарур омил бўлиб хизмат қилади.



Барқамизга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкilotining 2015 йил 10 июндаги “2020 йилда аҳоли ва уй-joy фондini рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар” резолюцияси доирасида аҳолини ва уй-joy фондini рўйхатга олиш мақсадида О‘збекистон Республикаси Президентининг фармони ҳамда Вазирлар Маққамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “О‘збекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Шунга мувофиқ, аҳоли сонини рўйхатга олишни ўтказиш ҳамда унга пухта тайёргарлик

кўриш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида 2020 йилнинг август ойидан эътиборан, Фарғона вилоят статистика бошқармасида “Рўйхатга олиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш” бўлими тuzилди. Мазкур бўлим мутахассислари томонидан аҳолини рўйхатга олишнинг биринчи босқичи доирасидаги статистик маълумотларни тўплаш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, шу кунгача вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида аҳоли ўртасида тарғибот ишлари, ҳудудларда танланма кузатувлар, оммавий-ахборот воситалари орқали мавзуга оид чиқишлар, аҳоли гавжум бўлган жойларда (молия муассасалари ва бозорларда) ўрнатилган мониторлар орқали тадбирнинг бутун моҳиятини ёритиб берувчи видеороликлар намойиши акс эттириб борилиши амалий ишларимизнинг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда Фарғона вилояти “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бошқармаси билан ҳамкорликда шаҳар ва туман статистика бўлимлари иштирокида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш учун зарур бўлган, аҳоли яшаш пунктларининг картографик чизма материалларини (шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режаси, маъмурий туманлар харитаси) ўрганиш ишлари давом этмоқда. Танланма кузатув давомида маълум бир аҳоли пунктида яшовчилар сони кўрсатилган

ҳолда хонадон ва уйлар рўйхати шакллантирилмоқда. Маҳалла кўчаларининг тўлиқ номлангани, мавжуд уй ва хонадонларнинг тўлиқ рақамлангани ҳамда рақам белгиларининг ўрнатилгани эътиборга олиниб, ушбу натижалар асосида махсус қайдлар юритилмоқда.

Фарғона вилояти миқёсида дастлабки ўтказилган тадқиқотлар бўйича доимий аҳоли сони 2021 йилнинг 1-чорақ ҳолатига кўра, 3834,1 минг киши бўлиб, шундан, шаҳар аҳолиси сони 2159,0 минг (жами аҳоли сонига нисбатан 56,3 фоиз), қишлоқ аҳолиси сони 1675,1 минг кишини (43,7 фоиз) ташкил этди. Жами аҳолининг 50,4 фоизи эркаклар (1932,3 минг киши), 49,6 фоизи аёллар (1901,8 минг киши)дан иборат экани маълум бўлди.

Жумладан, жорий йилнинг январь-март ойлари давомида вилоят бўйича туғилган болалар сони 19,7 минг нафар, вафот этганлар 4,4 минг нафар экани қайд этилди. Вилоят ҳудудлар кесимида эса шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, энг кўп аҳоли сони Фарғона шаҳрида аниқланиб, 294,8 минг (вилоят жами аҳолиси сонидagi улуши 7,7 фоиз), Кува туманида 262,1 минг (6,8 фоиз) ва Қўқон шаҳрида 257,1 минг кишини (6,7 фоиз) ташкил этди.

Саттор ШАМШИДИНОВ,
Фарғона вилояти статистика бошқармаси бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН МАВҚЕИ ГЛОБАЛ РЕЙТИНГЛАРДА

Фарғона вилоятида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича асосий кўрсаткичлар таҳлили

этибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Республика ва вилоятимиз аҳолисини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган фермерлар бугунимиз ва эртанги кунимизда катта роль ўйнайди. Захматкаш деҳқонлар томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хориз давлатларига экспорт қилинаётгани республика иқтисодиётининг тобора ортиб боришига ижобий таъсир кўрсатади.

Фарғона вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган бўлиб, ер майдони 6,759 минг кв.км.га тенг. Доимий аҳоли сони 3819,9 минг кишидан ошди. Вилоятда деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш юзасидан янги лойиҳалар ишга туширилиши, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш устувор вазифа ҳисобланади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида 11693 та фермер хўжаликлари, 1996 та қишлоқ хўжалиги фаолиятини олиб борувчи корхоналар, 575127 та шахсий ёрдамчи деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, жорий йилда улар томонидан 250675 гектар экин майдонларида, 52998 гектар боғ, 7150 гектар тоқорларда маҳсулот етиштириш борасида самарали бошқарув йўлга қўйилган. Вилоятда 2020 йил якуни бўйича барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 759262 тонна дон, 318069 тонна картошка, 1128546 тонна сабзавот, 124427 тонна полиз экинлари, 364308 тонна мева ҳамда 176960 тонна

миқдорда узум маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, охириги йилларда чет давлатлардан наслили, йирик шохли қорамоллар олиб келиниши ҳисобига чорвачиликда ҳам ўсиш кўрсаткичлари юқорилади. Унга кўра, жами 1026,0 минг бош чорва ҳайвонларидан сигирлар 366,5 минг, қўй ва эчкилар 871,2 минг, отлар 9645 минг, паррандалар 8546,0 минг бошни ташкил этиб, йил якуни бўйича 169934 тонна тирик вазнда гўшт, 1051671 тонна сўт, 534368 минг дон тухум ишлаб чиқарилди ва 11287 тонна балиқ овланиб, халқимиз дастурхонига ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди.

Юқоридagi таҳлиллардан кўриниб турибдики, дон маҳсулотларидан ташқари барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сони кескин ошган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, эндиликда ғалла майдонлари ўрнига экилган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб, жаҳон бозорига экспортбop маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширадиган пайт келди. Экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан Фарғона вилояти бўйича 2015 йилда 83 миллион 995 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган 39294 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари четга чиқарилган бўлса, давлатимиз томонидан берилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда 2020 йилнинг якуни бўйича 187 миллион 372 минг долларлик, 204259 тонна миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишга эришилди.

Эркин ТАШБЕКОВ,
Фарғона вилояти статистика бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



Бугунги кунда ички ва ташқи бозорда талаби юқори, қўшимча қийматга эга бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, импорт миқдорини камайтириб, экспортни кўпайтириш ва бу орқали иқтисодиётни ривожлантириш каби чора-тадбирлар муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан барча ишлаб чиқариш корхоналарига янги турдаги экспортбop маҳсулотларни яратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси қўйилган эди.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида жойлашган, йирик қувватга эга “Қўқон биокимё” акциядорлик жамияти томонидан Ўзбекистонда ягона бўлган янги маҳсулот тури ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг замирида жамият иқтисодиёти барқарорлашиб, республикада экспорт ҳажмининг ўсиш даражаси юқори суратларга кўтарилди.

– Айни пайтда “Қўқон биокимё” акциядорлик жамиятимизда давлат дастурлари бўйича замонавий инновацион технологияларга асосланган бир қатор янги ўзгаришлар амалга оширилмоқда, – дейди жамият раҳбари Икром Абдуллаев. – Президентимизнинг 2018 йил 18 декабрдаги 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, буғдой клейковинасини (глютен) ишлаб чиқаришни амалга ошириш режаси белгиланган эди. Давлат комиссияси

томонидан ускуналарни қабул қилиш далолатномасига асосан ушбу лойиҳа фойдаланиш учун қабул қилинди ва ишга туширилди.

“Қўқон биокимё” акциядорлик жамияти 1983 йилда “Янги Қўқон кимё заводи” номи билан иш бошлаган. Кейинчалик “Қўқон” ишлаб чиқариш корхонаси негизда “Қўқонспирт” акциядорлик жамияти сифатида ташкил этилди.

Сўнгги пайтларда барча соҳаларда илм-фан ютуқларининг салмоғи сезиларли даражада ривожланди. Бу ишлаб чиқариш соҳасида катта ўзгаришларга омил бўлди. Айнан янги турдаги маҳсулот яратишга эришилгани ҳамда инновацион лойиҳалар тўлиқ ишлаб чиқаришга жорий этилгани боис, ўтган йили «Қўқонспирт» АЖнинг фирма номи “Қўқон биокимё” акциядорлик жамияти этиб ўзгартирилди.

Бугунги кунда жамиятда 24,72 гектар майдонни йирик қувватда спирт ва глютен ишлаб чиқариш бўлими,

углекислота иссиқлик — пар ва газ, механик таъмирлаш, элеватор, сув ва канализация, хўжалик ишлари цехлари ҳамда бошқа ёрдамчи иншоотлари эгаллаб турибди. Жамиятнинг йиллик озунқа ишлаб чиқариш қуввати 4020,0 минг дални ташкил қилади.

Жамият томонидан 2020 йилда жами 297 500,1 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилди. Жумладан, 2 266,5 минг дал этил спирти маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Шу билан бир қаторда 1 410,7 тонна углекислота гази, 1 460,4 тонна кепак, 404,2 тонна глютен маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди.

Хусусан, 2020 йил пандемия сабабли фавқулодда карантин чоралари эълон қилинганлигига қарамай, жамият томонидан жами 767799 АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Жамиятнинг эришилган ютуқлари ҳисобидан, 2020 йил давомида

юрдик ва жисмоний шахсларга ёрдам тариқасида 584,4 миллион сўм миқдорда ҳомийлик кўрсатилди. 2020 йил давомида ҳодимлар ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда турли хил байрамлар муносабати билан 700 миллион сўмлик озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар тарқатилди.

Жорий йилда саккиз юздан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган жамиятда ҳалоллик ва аҳиллик ёнма-ён. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг оиласи фаровон, дастурхони тўкин-сочин. Чунки жамиятнинг мақсади янги илмий лойиҳаларни жорий этиш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва шу орқали янги бўш иш ўринлари яратиш, бир сўз билан айтганда, халқ розилигига эришишдан иборатдир.

Дилдора СУЛТОНОВА,
журналист.



Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:



Бosh муharrir: Саfар ОSTONOV

ТАHPIР HAY'ATI:

- | | | |
|-------------------|------------------------|----------------------|
| Ulug'bek INOVATOV | Qalandar ABDURAHMONOV | Hayotxon ORTIQBOYEVA |
| Ulug'bek VAOYEYEV | Guliston ANNAQILICHEVA | Toshtemir XUDOYQULOV |
| Mahmud TOIR | Muslihidin MUHIDDINOV | |

Qabulxonа — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 541. 3080 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — Topshirilgan vaqti — 21:20.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6